

---

## **ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН! ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ!**

**Ўзбекистон тумани Яккатут МФЙ ҳудудида бўш турган бино-иншоотлар негизида Давлат хусусий-шериклик шартлари асосида Нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил этиш учун тендер ўтказилади**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 12 апрелдаги **“Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** ги ПҚ-5071-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг **“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”** ги 537-сонли қонуни ҳамда Яккатут МФЙ ҳудудида аҳоли эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда мактабгача таълим муассасалари сонини сезиларли даражада ошириб бориши, фойдаланилмаётган бўш турган бино-иншоотлар ва унга тегишли ер майдонлари негизида мактабгача таълим йўналишида хусусий ҳамда давлат-хусусий шерикчилиги шартлари асосида мактабгача таълим муассасаси ташкил қилиш, тадбиркорлик субъектларига берилишида шаффоффлик ва тенгликни таъминлаш мақсадида очиқ танлов эълон қилинади.

- 1. Лойиҳа лойлашган манзил:** Яккатут МФЙ Обод кўчаси 4А
- 2. Умумий ер майдони:** **4632,00** кв.метр
- 3. Бино-иншоотлар майдони:** **1654,04** кв.метр
- 4. Тупроқли майдон:** **2438,42** кв.метр

Танлов **2022 йил 11 июл куни** ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектларидан намунали лойиҳа таклифлари ҳамда лойиҳанинг молиявий-иқтисодий шартларини ишлаб чиқиб, **01.07.2022 йил Ўзбекистон туман ҳокимлиги инвестициялар ва ташқи савдо бўлимига** киритишингизни сўраймиз.

**Маълумот учун телефон:** 73-539-21-21

2022-06-10 09:00:07